

---

## Фурқат тумани маҳаллий бюджетидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича 2023 йил 1 босқичи натижалари ҳамда 2-босқичи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида 2023 йилда туман учун жами **8 020,4 млн. сўм** маблағ ажратилган.

2023 йилнинг 1 босқичи 6 февралдан 7 апрелига қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни ўтказилди.

2023 йил 1 босқичи учун жами **4 млрд. 10 млн. 202 минг.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, туман фуқаролари томонидан жами 86 млрд. 787 млн. 900 минг сўмлик 100 та таклиф киритилган. Ишчи комиссия аъзолари томонидан киритилган таклифлар, Низом талаблари асосида кўриб чиқилиб, тегишли хулоса берилди ҳамда 100 та таклифдан:

- 5 млрд. 157 млн. сўмлик 7 та таклифлар рад этилган бўлиб, булардан 4 та таклиф такрорий бўлган, 1 та таклиф шахсий хусусият касб этиган; 2 та таклифни амалга ошириш имкони йўқлиги сабабли рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилган;

- жами 81 млрд. 630 млн. 900 минг сўмлик 93 та таклифлар танлаб олинган ва маъсуллар томонидан қайта ҳисоб-китоблар қилиниб, лойиҳалар миқдори жами 73 млрд. 966 млн. 150 минг сўм этиб белгиланган ҳолда, жамоатчилик ўртасида овоз бериш жараёнига рухсат берилган ва туман бўйича 89087 нафар фуқаролар овоз бериш жараёнида (туман умумий аҳолисининг 73%) иштирок этишди.

Овоз бериш жараёни якуний натижаларига кўра қиймати 4 800,0 млн.сўмлик 4 та лойиҳалар энг кўп овоз тўплаб ғолиб деб топилган.

Жумладан,

- Фурқат тумани Кармак МФЙнинг Мустакиллик кучаси кишлоқнинг асосий йули ва Шўр кучасини асфальтлаш. (ID рақами 15900011) учун 17108 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа **1 200,0 млн.сўмни** ташкил этади;

- Фурқат тумани Ингичка МФЙ Мустакиллик кўчаси 900 м, Гулистон кўчаси 450 м, Янги хаёт кўчаси 450 м, Янги кўчаси 550 метр жами 2350 метр йўлларни асфальтлаш. (ID рақами 137472011) учун 6036 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати **1 200,0 млн.сўмни** ташкил этади;

- Фурқат тумани Баркамол авлод болалар мактаби қошидаги хунар тўгаракларидаги ўқувчи ёшларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида тикув машиналари, пишириқ печлари, сартарошлик, тикувчилик, каштачилик анжомлари ва компьютер ва спорт товарларини сотиб олиш. (ID рақами 147888011) учун 5882 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати **1 200,0 млн. сўмни ташкил этган.**

- **Фурқат тумани** Ўртақўрғон МФЙ Қўқон кўчасини 570 метр, Ёшларобод кўчасини 365 метр, Шухрат кўчасини 220 метр, Шукрона кўчасини 170 метр, Ўйингоҳ кўчасини 140 метр, Жийдазор кўчасини 150 метр, Олма кўчасини 240 метр, А.Навоий кўчасини 240 метр, Бой кўчасини 80 метр, Бешмирза кўчасини 300 метр, Тўғонбоши кўчасини 250 метр, Обод кўчасини 210 метр жами 2935 метр ички йўлларни асфальтлаш (ID рақами 142505011) учун 5706 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2023 йилдаги “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги 117-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан (яни 2000 та овоз тўплаган), туманда **11 та 12 млрд. 094 млн,сўмлик** лойиҳа шартли ғолиб **дўғ 5** топилди. Бу лойиҳалар қуйидагилар:

- Томоша МФЙ Иттифоқ кўчаси 680 метр, Қизил Тепа кўчаси 1050 метр, Шодлик кўчаси 750

---

метр, Шифокор кўчаси 280 метр, ички йўллари асфалтлаш, Маданият ва Шифокор кўчаларини ички йўллари таъмирлаш. (ID рақами 130262011) учун 4145 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Фурқат туман Кўк дўппи МФЙ Жийдазор, Шодлик, Ғалаба, Янги хаёт, Гулистон, Навбахор, Истиқлол кўчаларида электр тизимини таъмирлаш, симёғочлар, ёпиқ кабеллар ўрнатиш ва трансформатор билан таъминлаш. (ID рақами 123626011) учун 2150 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 084,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Эшон МФЙга қарашли 10-ДМТТга ташкилотга янги ёзги айвонча, янги кумирхона, янги ошхона, янги ўтинхона қуриш ва қушимча янги гуруҳга бино қуриш. (ID рақами 127206011) учун 2433 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 300,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Эшон МФЙга қарашли Фазо 700, Сулимгоҳ 300, Эшон Кул 300, Эшон Гузар 500, Фароғат 600, Борлик 400, Эшонбулак 200 кўчаларини асфалтлаш. Жами 3 км. (ID рақами 10795011) учун 3015 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Фурқат тумани Болалар спорт мактаби балансидаги марказий стадионнинг асосий биноси ташқи ва ички кўринишини таъмирлаш стадион атроф деворлари қайта қуриш, захира сув ховузини таъмирлаш, томошабинлар ўтириш жойи ўриндиқларни янгилаш ва навес ўрнатиш ҳамда иссиқлик тизимини янгилаш. (ID рақами 132815011) учун 2434 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Ардахшон МФЙ Обод кўчаси, Мохирлар кўчаси, Юксалиш кўчаси, Нурафшон, Янги обод кўча, Нурафшон кўчаси, Таянч ва Тинчлик кўчаларидаги ёғоч столба (симёғоч)ларни бетон столбаларга алмаштириш ҳамда Юқорида кўрсатилган кўчаларни электр ўтказгичларни янгилаш. (ID рақами 111590011) учун 2713 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Тўрғай МФЙ Эшонариқ кучаси 150 м Қўқон кўчаси 700 м Тегирмонбоши кўчаси 400 м Ўрта кўча 500 Ватан кучаси 1250 м жами 3000 м қисмини асфалтлаш. (ID рақами 130397011) учун 3002 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.


- Мустақиллик МФЙга қарашли Тиббиёт бирлашмасига Юқори технологик ва кам инвазив тиббий хизматни ривожлантириш учун лапораскоп аппаратини олиб келиш. (ID рақами 152082011) учун 3509 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Шойимбек МФЙ. Шойимбек кўчаси 450 метр, Ёшлар кўчаси 200 метр, Булоқбоши кўчаси 700 метр, Ишонч кўчаси 500 метр, Амирсой кўчаси 300 метр, Гулистон кўчаси 300 метр, Юқори Шойимбек кўчаси 250 метр. Жами 2700 метр. Кўчалар шағалланган асфалт қилинса бўлди. (ID рақами 130013011) учун 5211 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Қўқонбой МФЙ Узумзор кўчаси 400 метр. Чароғон кўчаси 300 метр. Султонобод кўчаси 300 метр. Соё бўйи кўчаси 250 метр. Биродарлик кўчаси 250 метр. Истиқлол кўчаси 750 метр. Қорасув кўчаси 750 метр. жами 3000 метр маҳалла ички кўчаларини асфалтлаш. (ID рақами 132399011) учун 3908 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 200,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Полвонтош МФЙ Пахтакор кучаси 1050 метр, Қургонча кучаси 300 метр Обод кучаси 1800 метр Янги хаёт кучаси 500 метр Уч чинор кучаси 1000 метр Мустақиллик кучаси 1400 метр Истиқлол кучаси 1000 метр Зиёротгоҳ кучаси 800 метр жами 7850 метр тармоқ тортиш ва 1 дона 100 лик трансформатор ўрнатиш (ID рақами 126050011) учун 3056 нафар фуқародан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 110,0 млн.сўмни ташкил этган.

Ҳозирда 1-босқичдаги ғалиб 15 та ғалиб лойиҳалардан Томоша МФЙ, Кармак МФЙ, Ингчика МФЙ, Ўрта-қўрғон МФЙ, Тўрғай МФЙ, Мустақиллик МФЙ, Шойимбек МФЙ, Эшон МФЙ, Қўқонбой МФЙларидаги қурилиш таъмирлаш ҳамда жихозлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Қолган МФЙларда ишлар давом этмоқда.







**Ташаббусли бюджет жараёнининг 2023-йил 2-босқичи**

Ташаббусли бюджет жараёнининг 2023-йил 2-босқичи учун туман маҳаллий бюджетида маъқур жараён учун жами 4 010,0 млн.сўм маблағ ажратилган бўлиб, туман фуқаролари томонидан жами **138 млрд. 895 млн** сўмлик 126 та таклиф киритилган. Ишчи комиссия аъзолари томонидан киритилган таклифлар, Низом талаблари асосида кўриб чиқилиб, тегишли хулоса берилди ҳамда

---

126 та таклифдан:

- 20 млрд. 801 млн. сўмлик 18 та таклифлар рад этилган бўлиб, булардан 6 та таклиф такрорий бўлганлиги, 9 та таклиф Низом талабларига мос келмаганлиги, 3 та таклифни амалга ошириш имкони йўқлиги сабабли рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилган;

- жами 118 млрд. 094 млн сўмлик 108 та таклифлар танлаб олинган ва маъсуллар томонидан қайта ҳисоб-китоблар қилиниб, лойиҳалар миқдори жами 118 млрд. 094 млн сўм этиб белгиланган ҳолда, жамоатчилик ўртасида овоз бериш жараёнига рухсат берилган ва туман бўйича 118970 нафар фуқаролар овоз бериш жараёнида (туман умумий аҳолисининг 94%и) иштирок этишди.

Ташаббусли бюджет 2023-йил 2-босқичи лойиҳаси 27-августдан 16-сентябргача давом этди.

**Якунда 3 та таклиф энг юқори овоз тўплаб лойиҳа ғолиби айланди. Бу лойиҳалар қуйидагилар:**

- Ингичка МФЙ Ободон қишлоғи 4 дона трансформатор ўрнатиш (ID рақами 031290530011) 6 км электр тармоғи тортиш, 400 дона бетон симёғочлар ўрнатиш ҳамда 100 дона кўча чироқлари ўрнатиш учун 6506 нафар фуқаролардан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 320,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Калдушон МФЙ Боғ кучаси 1100 метр, Қумлоқ кўчаси 1100 метр, Янги-хаёт кўчаси 1100 метр жами 3300 метр қисмини асфалтлаш. (ID рақами 031273971011) учун 5755 нафар фуқаролардан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 320,0 млн.сўмни ташкил этган.

- Катта-янги МФЙ Замона кучаси 850 метр, Камолот кўчаси 1000 метр, Тотувлик кўчаси 800 метр, Висол кўчаси 800 метр жами 3300 метр қисмини асфалтлаш. (ID рақами 03167352011) учун 5743 нафар фуқаролардан овоз келиб тушган ва лойиҳа қиймати 1 320,0 млн.сўмни ташкил этган.

**Фурқат туман Иқтисодиёт ва молия бўлими мудир: С.Ахмедов**

2023-09-25 09:41:25